
РИШТОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ БИЛДИРИШИ

Ижтимоий тармоқларда тарқалган ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: "Метан учун навбат 3 километрдан ошмоқда. Риштон тумани" видео мурожаат юзасидан туман ҳокимлиги Ахборот хизмати қуйидагиларни маълум қилади.

Маълумки, айни кунларда бутун мамлакатимиздаги газ қўйиш шаҳобчаларида кўплаб навбатда турган автомашиналарни учратиш мумкин. Хусусан, бир неча кун олдин Риштон туманида ҳам ушбу ҳолат юзага келди. Бунга ҳаво совуб кетиши натижасида газ босимининг пасайиб кетгани сабаб бўлди. Ҳозирги кунга келиб эса вазият яхшиланди ва автоманишаларнинг турнақатор бўлиб навбат кутиши деярли кузга ташланмаяпти.

2020-11-30 16:55:50